

Алихон УТАРБЕКОВ олган суратлар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Мажлисда маҳаллий бюджетларнинг худудлар бўйича умумий даромадлар прогнози бажарилган бўлса-да, аммо айрим солиқ турлари бўйича белгиланган режа-топшириқлари бажарилмагани таъкидланди. Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига маҳаллий бюджетларга солиқлардан қарздорлик 2,9 триллион сўми ташкил этиб, йил бошига нисбатан 112 миллиард сўмга ошган. Маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улуши 22,1 фоизни, унинг жами ҳаражатлардаги улуши 31,1 фоизни ташкил қилган.

Бундан ташқари, коронавирус пандемиясининг тарқалиши, карантин чораларининг қўлланилиши натижасида маҳаллий бюджетлар ҳаражатларида ҳам бир қатор ўзгаришлар кiritилгани таъкидланди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ҳаражатларидан қарийб 1 триллион сўмга мақбуллаштирилган. 2020 йилнинг 27-28 апрель кунлари кучли шамол оқибати Бухоро вилоятида зарар қўрган аҳоли ва иқтисодий-инфраструктура объектларида 164 миллиард сўм ҳамда 1 май кўни Сардоба сув омбори тўғрисида юзага келган фавқулодда ҳолати оқибатида жабрланган аҳолини қўллаб-қувватлаш ва инфраструктурани тиклаш ҳаражатларида жорий йилнинг ярим йилда 500 миллиард сўм қўшимча маблағлар йўналтирилган.

Қолаверса, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 14 ёшгача болалари бўлган oilаларга нафақа, бола икки ёшга тулгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 10 фоизга оширилган. Ушбу тадбирлар натижасида, жорий йил якунига қадар иқтисодий нафақалар ва моддий ёрдам олувчилар сони 657,8 минг (+ 60,3 минг) та oilани ташкил этиб, уларга қўшимча нафақаларни тўлаш учун Иқтисодия қарши курашиш жамғармасидан 211,8 миллиард сўм маблағ назарда тутилган бўлиб, шундан 91,3 миллиард сўм молиялаштириб берилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган камчиликларга эътибор қаратилди. Жумладан, аниқланган қўшимча даромадларга нисбатан 51,7 миллиард сўмлик маблағларнинг бюджетта ундирилиши таъминланган.

Шу билан бирга, пандемия шароитида маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўз муддатига тушмаганлиги натижасида юзага келган вақтинчалик қасас узилишининг олдини олиш ҳамда белгиланган ҳаражатларни ўз вақтида молиялаштириш мақсидида ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларга республика бюджетидан 626 миллиард сўм бюджет трансфертлари ажратилган.

Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чоралар натижасида 7 669 та микрофирма, кичик қорхона ва ЯТПларнинг мол-мулк, ер ва сув солигини 2020 йил 1 октябрда қадар кечиктириб тўлаш учун 132,7 миллиард сўм имтиёзлар берилган.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин "Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи ҳам муҳомаа марказида бўлди.

Таъкидланишича, сўнгги йилларда Кенгашларнинг назорат фаолиятини кўнайитиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳоким, унинг ўринбосари, прокуратура, адлия, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг тегишли Кенгашлар олдида ҳисобдорлиги қонунларда белгиланган бўлса-да, амалда қўтилган натижалари бермапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида бошқаруvingн алоҳида тартибин жорий этиш бўйича ҳуқуқий экспеpимент тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, эксперимент тарқисида ташкил этилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашлари котибатилари самарали фаолият юритиб келмоқда.

Мазкур қонун билан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгаришга кўра, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятига ташкилий-техникавий ва бошқа ҳужатлардан хизмат кўрсатиш вазиаси ҳокимликлар апаратидан тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибати зиммасига ўтказилмоқда.

Бунда котибатилар юридик шахс ҳисобланиши ва унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши, котибати тузилмаси, штатлар, ҳодимларнинг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг ишлаши учун зарур ҳаражатларни тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, мажлисда қайд этилганидек, ушбу қонуннинг ҳаётта таъкид этилиши билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан давлат органларининг фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назорати таъминланишига эришилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, вакиллик ҳокимияти иқро ҳокимиятидан ажраган ҳолда фаолият кўрсатиши юзасини амалга ошириш учун мустақам замин яратилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сенатнинг еттинчи ялпи мажлиси кун тартибидagi "Қишлоқ ҳўжалиги урин мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсидида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи ҳам муҳомаа қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодексига, Ер кодексига, шунингдек, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Дехон ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Яйловлар тўғрисида"ги, "ўрмон тўғрисида"ги, "Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мамлакатимизда мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унмдор ҳудудлар ва ўрмон фондини муҳофазат қилиш нафақат иқтисодий ҳўжатдан, балки экологик нўхтаи назардан муҳим ва долзарб ҳисобланади. Шу ҳўжатдан мазкур қонун ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг самарасини таъминлаш, соҳанинг меъерий-ҳўқуқий негизини замон талаблари асосида тақомиллаштиришга қаратилган.

Хусусан, унда инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган су-

ририладиган ерлар, шунингдек, лалми ерлар ва ўрмон фондини фойдаланилмаётган ерларини ижарага беришининг аниқ механизملар белгиланмоқда.

Яна бир ҳўжат. Қонунда ерни ижарага бериш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, ижарачи шартномада назарда тутилган муддат якунига қадар ердан фойдаланиш ҳўқуқига эга бўлиши мустақамланмоқда.

Қонун, аввало, одамларда ерга бўлган муносабатининг ўзгариши, қораверса, озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазибаларнинг амалга оширилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра Сенат аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.



публикасининг айрим қонун ҳўжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қонун билан 17 та қонунга, хусусан, 8 та кодекс ва 9 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодексига, Меҳнат кодексига, Фўқаролик кодексига, Oilа кодексига, Иқтисодий процессуал кодексига, Божхона кодексига ва Солиқ кодексига шулар жумласидан.

Шу билан бирга, мазкур қонун билан "Ақциядорлик жамятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳўмоа қилиш тўғрисида"ги, "Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмин молиялаштиришга ва оммавий қирғин қўрулини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Қимматли қорозлар бозори тўғрисида"ги, "Қурол тўғрисида"ги ва бошқа қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, "Хотин-қизларни таъзияқ ва эрваонлиқдан ҳўмоа қилиш тўғрисида"ги Қонун билан ҳўмоа ордери таъсияс этилган эди. Лекин ушбу ҳўмоа ордериди назарда тутилган чекловларни бажармаганлиги учун қонун ҳўжатларида жавабгарлик масаласи очик қолган. Шу боис таъзияқ ўтказиш ва ёки) эрваонлик содир этишга мойил бўлган ёки) улари содир этган шахс томонидан ҳўмоа ордери талабларини бажармаганлиги бу маъмурий жавабгарлик белгиланган ва бу чекловларнинг бажарилишини яна бир бор қафолатилди.

Ўз ўрнида "Давлат божи тўғрисида"ги Қонун янги банд билан тўлдирилиб, унга кўра таъзияқ ва эрваонлиқдан жабрланган хотин-қизларга етказилиган маънавий ва моддий зарарларинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан даъвогар фўқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озоқ қилинди.

Шунингдек, киритилаётган ўзгаришларга кўра Жиноят кодексининг "Меҳнат қилиш ҳўқуқини бузиш" учун жавабгарлик белгиланган модданинг тегишли қисми янги таъзияқ баён этилиб, унга кўра жабрланувчи тараф нафақат ёш боланинг онаси, балки парвариш қилаётган унга янги бошқа шахс ҳам бўлиши мўмкинлиги кўрсатилди.

Халқаро шартномаларда бошқача шартлар келишилган бўлса, ҳорижий ташувицларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларида юк ва йўловчиларни республикада шик ҳудудида ҳойлашган пунктлар ўртасида ташийш (каботаж) тақийқланган. Шу сабабли Ўзбекистон Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодексига бошқа давлатларда рўйқатдан ўтказилган юкларни ва ёки) йўловчиларни ташийш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш учун жавабгарлик белгиланган янги мода билан тўлдирилмоқда.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси инспекторларининг қонуний фаолиятига тўқийчилик қилиш, уларнинг қўрсатмаларини бажармаслик ва бошқа ноқонуний ҳолатларнинг қўллаб ўраётганлигини ҳисобга олиб, жавабгарлиқни қўайтириш мақсидида Ўзбекистон Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли янги мода билан тўлдирилмоқда.

Оқорида киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг ҳаётта таъкид этилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, аҳолини қўйибётган муаммоларни ҳал этишга, уларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ишончли ҳўмоа қилишга ва ўз навбатида, давлат органларининг ҳам бу борадаги масъулятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг кун тартибидаги навбатдаги масала — "Бюрократик тўсийқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи муҳомаа қилинди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюрократик тўсийқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг иқроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Президентнинг ушбу қарорига айрим қонун ҳўжатларини мувофиқлаштириш мақсидида жами 6 та қонун ва 3 та кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 42, 98 ва 103-моддаларига киритилаётган ўзгаришларга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан техноложик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидротехник, санитария-техник тадбирларни келишишини назарда тутадиган функция ва ваколатлар чикариб ташланмоқда. Натижада сув ва сув объектларидан фойдаланиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолияти-

ни эркин олиб бориш учун ортика бюрократик тўсийқ олиб ташланади.

Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6 ва 291-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, кодекснинг 6-моддаси Маъмурий жавабгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари чикариб ташланмоқда.

Янги жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офат ва эпидемиялар билан курашиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиниш назарда тутувчи функция ва ваколатлари чикариб ташланмоқда. Оқибатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг



фаолиятида коррупциявий ҳолатни келтириб чикарувчи дискрецион ваколатга чек қўйилади.

Шунингдек, Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва қўриқдан ўтказиш асослари ва тартибига ўзгариш киритилмоқда.

Эндиликда транспорт воситалари эгаларининг фўқаролик жавабгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича сўғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда уларнинг автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби бекор қилинади. Бу билан фўқаролар мулк ҳўқуқларининг қафолатлари қўайитирилади. Бу эса фўқароларга нисбатан ҳўмоа базасини қисқартирган ҳолда коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, кодекснинг 80-моддасидан ишга қираётган шахсдан талаб қилинадиган ҳўжатлар рўйқатидан турарқойидан маълумотнома чикариб ташланмоқда. Натижада фўқаролар томонидан меҳнат шартномаларини тузишда ортика бюрократик тўсийқлар олиб ташланиб, сансалорликларга чек қўйилади.

"Атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимият органларининг атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг турғун манбалари томонидан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чикариш бўйича давлат экологик экспертизаси ҳўло-сасида назарда тутилган шартлар ва талаблар бўзилиши билан боғлиқ фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тутатиш масаласида қарор қабул қилиниш назарда тутувчи функция ва ваколатлар чикариб ташланмоқда. Оқибатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзига ҳўмоа бўлмаган функция ва ваколатлари бекор бўлади ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси томонидан атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш соҳасидаги қонунчиликка рияоз этилиши юзасидан давлат экологик назорати тўлақонли ташкил этилиши таъминланади.

Ўсимлик дўнёсини муҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 34 ва 45-моддаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эктиёжлари учун тайёрлашга рухсатнома бериш бўйича функция ва вазибалари Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлиmlаларига ўтказилмоқда. Натижада ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эктиёжлари учун тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашуви қисқартирилади.

Қолаверса, Ўй-жой кодексининг 111-моддасида мулкдор, ижарага олувчи, ўй-жой қурди ёки ўй-жой кооперативи аъзосининг турарқойи алмаштириш тўғрисидаги аризасига илова қилиниши лозим бўлган ҳўжатлардан турарқойида яшаётган шахслар қўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома талаб қилиш бекор қилинмоқда.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 117-моддасига фўқаролар томонидан сақлаш гувоҳномаси (брон) бериш тўғрисидаги аризасига илова қилиниши лозим бўлган ҳўжатлардан таснифидан ҳам яшаш жойидан маълумотнома чикариб ташланмоқда. Натижада турарқойиларни алмаштириш ва сақлаш гувоҳномаси (брон) беришда фўқаролардан яшаш жойидан маълумотнома талаб этилмайди.

Ўрмон тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тутатиш бўйича қарор қабул қилиниш назарда тутувчи функция ва ваколатлари чикариб ташланмоқда. Бунинг оқибатида тадбиркорларнинг фаолияти давлат ҳокимияти органлари томонидан аралашуви қисқартирилади.

"Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс томонидан аризасига илова қилинадиган ҳўжатлардан яшаш жойидаги фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдан олинмадиган маълумотнома чикариб ташланмоқда. Бунинг натижа-сиди васий ва ҳомий бўлиш истагини билдирган фўқароларга қўлайлик яратилди.

"Жазони иқро этиш муассасаларидан озоқ қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси иқимчи қисмидан назорат остидаги шахснинг қаердалиги аниқланмаган тақдирда ички ишлар органи назорат остидаги шахсини турарқойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича қўрилган чоралар ҳақидаги ҳўжатлардан фўқаролар ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилидаган маълумотнома бекор қилинмоқда. Натижада ички ишлар органларининг иш юритувини соддалаштиришга имкон яратилади.

Қизгин муҳоамалардан сўнг сенаторлар томонидан "Бюрократик тўсийқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунчи маъқулланди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69, 78-моддаларига ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий тўзилиши тўғрисида"ги Қонуннинг 18, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ, "Тошкент вилояти Заңгиота, Қўйи Чирчиқ, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туманларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгариштириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибиди Янгийўл туманини ташкил этиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Сенатининг Қарори тасдиқланди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил май ойида Заңгиота ва Сергели туманларига тасрифи давомида жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган ўрашувда Тошкент шаҳри таркибиди Янгийўл туманини ташкил этиш тўғрисидаги тақийф Президентимиз томонидан илгари сурилган эди. Ушбу тақийф жорий йил июль ойида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланиб, Тошкент шаҳри таркибиди Янгийўл туманини ташкил этиш масаласи халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти Кенгашлари томонидан маъқулланган.

Янгидан барпо этилаётган Янгийўл туманига Тошкент шаҳридан 2 131,2 гектар ҳамда Тошкент вилоятидан 2 288,4 гектар, жами 4 419,6 гектар ер майдони ажратилиб, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегаралари мувофиқлаштирилмоқда.

Бу билан Янгийўл туманида 115 та санот ва қорхонаси, 277 та хизмат кўрсатиш қорхонаси, 1 148,8 гектар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва 388,8 гектар аҳоли томонда ерлари назарда тутилган.

Қайд этиш жоизки, янги ташкил этилаётган туман Тошкент шаҳар бўйсунувидидаги туманлар тоифасига киритилиб, аҳолиси 147 минг нафарни ташкил этиб, шаҳар аҳолисининг 5,8 фоизини қамраб олади. Шунингдек, 47 та шатт биригилгидан иборат туман ҳокимлиги, вазиpлик ва идораларнинг туман бўлиmlари ташкил этилиши бошқарув самардорлиги ошишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш шароитини яхшилаш мақсидида тумани комплекс ривожлантириш ва келгусида истиқболни белгилаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиши белгиланган.

Шунингдек, мажлисда "Наманган вилоятининг Наманган шаҳар таркибиди Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Сенати Қарори ҳам тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, Давлатобод туманига 1977 йил 29 августда асос солинган, унинг ҳудуди 1 125 гектарни ташкил қилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги қарорига асосан туман тутатилган ва 2004 йил 1 январдан Наманган шаҳри таркибига қўшиб ойборилган эди.

Муҳомаа қилинган Сенат Қарорига кўра, Наманган шаҳри ҳудудининг 4 686 гектар (26 фоиз) ер майдонида Давлатобод тумани ташкил этилиб, илгари 2004 йилгача фаолият кўрсатган Давлатобод тумани ҳудудида нисбатан қарийб 4,2 баробар кенгайтирилмоқда.

Шу билан бирга, Давлатобод тумани шаҳар таркибидидаги туман тоифасига киритилиб, 21 шатт биригилгидан иборат туман ҳокимлиги, вазиpлик ва идораларнинг барча туман бўлиmlари ташкил этилиши белгиланган.

Янгидан ташкил этиладиган туман ҳудудида 25 та маҳалла фўқаролари ййигини, 33 850 та ҳонадон, 421 та қўп қаватли ўй, 3 та касб-ҳўнар коллежи, 18 та умумтаълим мактаби, 24 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та тиббиёт муассасаси, 1 280 гектар қишлоқ ҳўжалиги ерлари, 698 та хизмат кўрсатиш объекти, 429 та санот қорхонаси ҳамда 2 та маданий мерос объекти мавжуд. Мазкур туман аҳолиси 149,6 минг нафарни ташкил этиб, Наманган шаҳар аҳолисининг 23,8 фоизини қамраб олади ва истиқболда замонавий қўп қаватли ўйлар қилиниши ҳисобига урбанизация жараёни жадаллашишига, шунингдек, янги инфраструктура объектлари барпо этилиши ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизими янада ривожланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, Тошкент вилояти Заңгиота, Қўйи Чирчиқ, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туманларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгариштириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибиди Янгийўл туманини ташкил этиш ва Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибиди Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисидаги Олий Мажлис Сенати қарорларининг маъқулланиши келгусида мазкур ҳудудларнинг янада тараққий этишига дастуриямал бўлади.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазиpлар Маҳкамасига илмий фаолиятни ривожлантириш учун қўрилаётган чоралар ҳолати ҳақида парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, 2017 — 2019 йиллар мобайнида республикада илм-фан фаолиятини тартибга солиш, қўллаб-қувватлашга қаратилган 1 та қонун, Президентимизнинг 27 та қарор ва фармонлари ҳамда ҳўкуматнинг 40 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган эътибор ўзининг самаралари тарки бермоқда. Айни пайтда геология, математика, кимё ва биология соҳаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бирок олиб борилаётган сай-ҳаракатларга қарамасдан қатор муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Урганиш ва таҳлилларга кўра, Иновация ривожланиш стратегиясига 2021 йилгача илм-фанга ажратиладиган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 0,8 фоизгача оширилиши белгиланган бўлса-да, бу кўрсаткич 2018 — 2020 йилларда турғун даражада 0,15 фоз миқдориди қолмоқда.

Илм-фан соҳасига ажратилган молиялаштириш бугунги кунда ЯИМга нисбатан 0,2 фоизни ташкил этади ҳоло.

Олий таълим муассасаларни қўйналгани ҳолда, жойларда янги моддий-техника базани шакллантириш, таълим муассасаларини илмий даражада профессор-ўйитувчиларнинг саломоти етарли эмас, илмий салоҳият кўрсат

Халқаро нигоҳ

CIFTIS: ГЛОБАЛ ХИЗМАТЛАР, УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК

Хизматлар савдосини фаоллаштириш иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Шу йилнинг 4 — 9 сентябрь кунлари Пекинда Хитой халқаро хизматлар савдоси ярмаркаси (CIFTIS) ўтказилди. Йирик кўргазма ва савдо майдони 2012 йилдан бери олтинчи марта ташкил этилмоқда. CIFTISнинг бу йилги мавзуси — “Глобал хизматлар, умумий фаровонлик” деб номланади. Ташкилотчилари ХХР Савдо вазирлиги ва Пекин халқ ҳукумати саналади.

Ярмарка доирасида глобал хизматлар савдоси саммити, олий даражадаги тўртта форум, шунингдек, юздан ортиқ семинарлар ва форумлар ўтказилди. Улар маданият, туризм, молия, спорт, робототехника, таълим ҳамда 5G каби соҳалардаги хизматлар савдосини қамраб олди.

Худудлар бўйича тадбир комплекс кўргазма зонаси ва 8 та махсус кўргазма майдонини банд этди. Кўргазмалар майдонларида 30 дан ортиқ соҳалар ривожига оид ҳисоботлар, индекслар ҳамда рейтинглар, жумладан, COVID-19 пандемияси шароитида шаҳар туризмни тиклаш бўйича кўрсатмалар эълон қилинди.

“Синьхуа” ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур саҳифада халқаро ярмарканинг аҳамияти, глобал иқтисодиётда хизматлар соҳасининг ўрни, форум иштирокчилари, ХХР ва бошқа мамлакатлар мутахассисларининг фикрини ўқишингиз мумкин.

COVID-19 пайдо бўлгандан кейин илк маротаба

Иқтисодий ривожланиш бўйича дунёда иккинчи ўринда турадиган Хитой глобал талаб заифлашган ва дунёдаги оғир иқтисодий шароитда ички савдони барқарорлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун хизматлар савдосига эътибор қаратяпти.

Пекинда бўлиб ўтган Хитой халқаро хизматлар савдоси ярмаркасида ўзини бошқарадиган автомобиллар ва виртуал реаллик каби замонавий технологиялар намойиш этилди. Шунингдек, CIFTIS доирасида молия, маданият, туризм, таълим ҳамда бошқа соҳалардаги хизматларга бағишланган кўргазмалар ҳам бўлиб ўтди.

COVID-19 пандемияси пайдо бўлгандан бери Хитойда онлайн ва

офлайн шаклда ўтказилган биринчи йирик глобал савдо-иқтисодий тадбир сифатида CIFTIS бутун дунё эътиборини ўзига тортиди. Дастлабки маълумотларга кўра, 148 та мамлакатдан 18 мингта компания, 33 та халқаро ташкилот, 110 та хорижий савдо ассоциацияси рўйхатдан ўтди.

Янги «двигатель»

Ўтган йиллар давомида Хитой экспорт ҳамда сармояга асосланган иқтисодиётдан хизмат кўрсатиш ва истеъмолга асосланган иқтисодиётга ўтиш учун ҳаракатларни амалга оширди.

— Хизматлар соҳасининг ривожланиши бандликни ошириш, ташқи савдони барқарорлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда асосий роль ўйнайди, — деди Хитой халқаро бизнес ва иқтисодиёт университети қошидаги Халқаро иқтисодиёт институти директори ўринбосари Чжуан Жуй.



2012 йилдан бери Хитойнинг хизматлар савдоси 7,8 фоиз ўсди, бу жаҳон даражасидан 3,7 пунктга юқори. 2019 йилда хизматлар савдосида Хитойнинг импорти ва экспорти 5,42 триллион юан (тахминан 775,6 миллиард

АҚШ доллари)ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич бўйича Хитой олти йил кетма-кет дунёда иккинчи ўринни эгаллаяпти.

— Мамлакатимизга келсак, хизматлар савдоси аллақачон Хитойнинг ташқи савдосини ривожлантиришни рағбатлантирадиган янги “двигатель”га айланди. Глобал нуктаи назардан, Хитой хизматларнинг глобал савдосининг ўсишига муҳим ҳисса қўшмоқда, — деди ХХР Савдо вазирлиги хизматлар савдоси ва тижорий хизматлар департаменти директори ўринбосари Ван Шижэ.

Бозор қулайлашди

Эркин савдонинг ашаддй тарafdори бўлган Хитой сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш бозорларига хориждан киримни кенгайтириш учун ҳаракатларни кучайтирди.

Ўтган йили ХХР чет эллик инвесторлар томонидан йирик молия соҳасидаги акциялар улушига қўйилган чекловларни бекор қилди. 1 январдан кучга кирган янги хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонуннинг амалга оширилиши ҳам чет эл компанияларини Хитойда ўз бизнесларини кенгайтиришга ундади.

15 та вилоят маъмурий бўлинмаларида хизматлар савдосини инновацион ривожлантириш бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилди. Савдо вазирлиги ўринбосари Ван Бингнан бу йил Хитой хизмат кўрсатиш соҳасини очиб ўтган янада кенг қамровли пилот лойиҳаларни бошлашини таъ-

кидлади. Унинг фикрича, хизматлар ҳамжи бўйича дунёдаги иккинчи йирик истеъмолчи сифатида Хитой яқин 15 йил ичида қиймати 10 триллион доллاردан зиёд хизматларни импорт қилишни режалаштирмоқда.

— Хитой бозори трансмиллий корпорацияларни ўзига жалб қила олади. Ўсиб бораётган ўрта синф ҳамда юқори сифатли хизматларга бўлган талаб глобал хизмат кўрсатувчи воситачилар учун катта бизнес имкониятларини очади ва оқибатда глобал иқтисодиётга фойда келтиради, — деди Чжуан Руи.

Ечим маслаҳат ва ҳамкорликда

Битимлар умид каби қадрлидир. CIFTIS аъзолари иккисини ҳам изламоқда.

Жаҳон савдо ҳамкорлиги, шу жумладан, хизматлар савдоси — ўзгармас тарихий тамойил. Халқаро хизматлар савдо ярмаркаси Хитой томонидан очилиш кенгайтириш ва ишбилармонлик муҳитини опти-маллаштириш бўйича аниқ кадам бўлиб, натижада нафақат мамлакатга, балки бутун дунёга фойда келтиради.

Биринчидан, Хитойнинг ички бозори хизматлар савдосини кенгайтириши керак. Мамлакат бу жабҳада катта имкониятларга эга. Ярмарка туфайли ХХР соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда атроф-муҳит каби соҳаларда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш ва ҳаётини яхшилаш учун юқори сифатли халқаро хизматларни импорт қилади.

Биринчидан, ярмарка ислохотлар ва инновациялар жараёнини тезлаштириш учун очилишни янада кенгайтираётганини намойиш қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги очил-ликни ошириш билим, технология, мутахассислар ҳамда бошқа инновацион унсурлар оқимидига тўсиқларни бартараф этишга ёрдам беради. Бу, айниқса, рақамли иқтисодиёт ва

электрон тижорат тезлашаётган даврда янги ривожланиш модели-нинг ҳаётлигини рағбатлантиради.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда хизматлар савдоси жаҳон иқтисодиётининг янги ҳаракат-лантирувчи кучига айланди. Хизмат кўрсатиш соҳаси глобал иқтисодиётнинг қарийб 60 фоизини ташкил қилади. Жаҳон экспортининг 20 фоизини ташкил этадиган уларнинг экспорти халқаро савдо қўшилган қийматининг деярли ярмига тўғри келади. Жаҳон иқтисодиёти-нинг бир қисmini тиклаш хизматлар савдоси ва кооперацияни ривожлантиришга боғлиқ.

Глобал қиймат ҳамда таъминот “занжирлари”нинг доимий ривожланиши билан мамлакатлар ўртасидаги масофа қисқаради, уларнинг ўзаро таъсири эса кучаяди. Баъзида келишмовчилик муқаррар бўлади. Ушбу муаммоларнинг ҳар бирига тўғри ечим маслаҳат ва ҳамкорликдир. Хитой дунёнинг барча



мамлакатлари ҳамда минтақалари, ҳамкорлик қилишни истаган корхона-ларга ижобий жавоб қайтаришга тайёр.

Дунёдаги энг катта ўрта даромадли аҳоли ва энг жадал бозорга эга бўлган Хитой ички ҳамда ташқи ўсишга эришиш учун иқтисодий ривожланишни таъминлашда ички истеъмолнинг асосий ролидан янада самаралироқ фойдаланади. ХХР бутун дунё кўз ўнгига тарифларни пасайтириш, хорижий инвестициялар учун тақиқланган майдонлар рўйхатини камайтириш, бозорга қийматини оsonлаштираётган, янада шаффоф бозор қоидаларини ишлаб чиқиш, ишбилармонлик муҳитининг жожибадорлигини оширмоқда.

“Иқтисодий қиш”ни бошдан кечи-раётган дунё бирлашиш ва иқтисодий глобаллашувни янада очик, қам-

ровли, мувозанатли қилишда қатъият ҳамда самимийликка кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Шу нуқтаи назардан Хитойнинг Халқаро хизматлар савдо кўргазмаси “янги баҳор”нинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Кучларни бирлаштиришга тайёргарлик

ХХР Раиси Си Цзиньпин қийинчиликларни бартараф этиш, жаҳон хизматлар савдоси ривожланиши ва фаровонлигини ошириш, шунингдек, глобал иқтисодиётни тезкор тиклашга қаратилган саъй-ҳаракатларда ҳамкорликка чақирди.

У бу ҳақда “Хитой халқаро хизматлар савдоси ярмаркаси — 2020” доирасидаги глобал хизматлар савдоси саммитида видеоалоқа орқали чиқишида айтиб ўтди. Шунингдек, ҳозирги шароитда глобал ҳамкорликни фаоллаштиришга алоҳида урғу берди.

— COVID-19 пандемияси глобал миқёсда тўлиқ назорат остига олинмаган бугунги кунда барча давлатлар олдида жуда катта вазифа турибди — коронавирусни енгиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш, — деди Си Цзиньпин.

Унинг таъкидлашича, айнан ҳозирги шароитда Хитой ушбу муҳим халқаро савдо тадбирига тайёргарлик қўриш жараёнида қўллаб қийинчиликларга қарамай, уни ўтказишга қарор қилди. Бу ҳозирги қийин пайтда кучларни бирлаштириш, хизматлар глобал савдосининг гуллаб-яшнаши ва глобал иқтисодиётнинг тез тикланишини таъминлаш учун биргалликда ишлашга тайёрликни намойиш этади.

Робот — 20 кун ичида

Хитойдаги сиёсий фанларни ўрганиш бўйича жамиятнинг иқтисодий сиёсат комиссияси раҳбари ўринбосари Сю Хонгайнинг айтишича, COVID-19 пандемиясининг самарали жойлавланиши ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор тикланиши туфайли ярмарка ўтказиш имкони туғилди.

...Хитой миллий анжуманлар марказидаги кўргазма майдонида гу-маноид роботлар ён-атрофдаги ходимлар билан саломлашган ҳолда гулларни сурғормоқда.

— Умид қиламанки, биз, ўз бизнесимизни мамлакатимиз ва чет элда кенгайтириш учун ушбу ярмарка орқали янги шериклар топамиз ҳамда янги ҳамкорлик шартномаларига эришамиз, — деди Шэньчжэн шаҳридаги “UBTECH Robotics Corp” компанияси асосчиси Чжоу Цзянь.

Пандемия сабаб қийналиб, нохуш ишбилармонлик ҳолатига дуч келган унинг компанияси 20 кун ичида учта турдаги эпидемияга қарши интеллектуал роботлар ишлаб чиқарди, бу эса жорий йилнинг биринчи ярмида компания учун кўпроқ буюртмалар жалб қилишга ёрдам берди.

Хитойнинг юқори технологияли “BOE Technology Group Co., Ltd.” корпорацияси вице-президенти Юан Фенгнинг фикрича, замонавий ишлаб чиқариш санатининг замонавий хизмат кўрсатиш санати билан чуқур интеграцияси корхоналар учун санат инқилобининг навбатдаги турига мослашиш ва рақобатбардosh устуниликларини мустақамлаш учун муҳим омил бўлди.

Хитой глобаллашув маркази директори Ван Хуэйяо айтганидек, Хитойнинг хизмат кўрсатиш соҳаси ва хизматлар савдосининг фаол ривожланиши мамлакат учун яқин ўн йилликда изчил ўсиш нуқтасини яратади ҳамда юқори даражадаги очикликни амалга оширишга янги туртки беради.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ:

Бутун дунё талабидаги воқеа

“CIFTIS янги коронавирус пандемиясига қарши курашда, шунингдек, унинг салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга”.

Бу Тошкент давлат шарқшунослик университети хитойшунослик факультети Хитой иқтисодиёти ва сиёсати кафедраси доценти Анри Шаповаловнинг фикри.

Унинг қайд этишича, Пекинда ўтказилган халқаро хизматлар савдо ярмаркаси COVID-19 пандемияси шароитида нафақат Хитой, балки бутун дунё учун замонавий ва долзарб воқеа саналади.

— Жаҳон миқёсидаги меҳнат тақсиротида барча давлатлар хизмат иқтисодиёти, айниқса, IT-компоненти билан ишлаш салоҳиятига эга эмас. Шу маънода, биз ХХРда амалга оширилган тўртта модернизация натижаларига ғувоҳ бўлмоқдамиз, — деб таъкидлади А. Шаповалов.

Ўзбек олимнинг сўзларига

кўра, “CIFTIS — 2020” Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини тиклаш ҳамда янада ривожлантириш учун муҳим қўшимча манба ҳисобланади. Масалан, Шарқий Осиё ва Европа ўртасида транзит йўлагини яратиш бўйича IT-хизматлар соҳасидаги қўшма лойиҳалар ушбу йўналишда катта салоҳиятга эга бўлган минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодий алоқаларни рағбатлантиради.

“Хитой томонининг барча саъй-ҳаракатлари, хусусан, “CIFTIS — 2020”, Президент Си Цзиньпиннинг “Бир макон, бир йўл”ни қуриш ташаббуси ва инсоният учун умумий тақдир ҳамжамияти ғоясининг беқийёс аҳамияти ҳақида гапиришга имкон беради”, деб хулоса қилади А. Шаповалов.

Ижобий ва раван суръатда

Туркменистон Хитой Халқ Республикасининг барқарор ривожланиши жаҳон иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир

кўрсатади, деб умид қилмоқда.

Бу ҳақда Туркменистоннинг ХХРдаги элчиси Парахат Дурдиев халқаро ярмаркада маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, бутун дунё пандемияга қарши курашаётган паллада ўтказилаётган ушбу форум муҳим аҳамиятга эга ва келажақда айни ижобий таъминотлар бошқа мамлакатларда ҳам тарқалишини таҳмин қилишга жиддий асос яратмоқда.

— Мен Хитойнинг ўтган 40 йиллик ислохотлар давомида, айниқса, қашшоқликка қарши курашишга катта ҳурмат билан қарайман. Умид қиламанки, келажақда мамлакат ўз халқининг бойлигини ошириш йўлида ижобий, тенг ва барқарор суръатларда ривожланади ҳамда шу тарика бутун дунё иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, — дейди элчи.

Онлайн шаклдаги илк тажриба

“CIFTIS — 2020”да иштирок этган украиналик вакиллardan

бири, илмий тадқиқот ва тиббий фаолиятга иxtисослаштирилган инновацион компания — Хужайралар терапияси институти (ХТИ).

У 2003 йили Киевда ташкил этилган.

Сўнгги етти йил давомида АКТ, хусусан, унинг таркибига кирувчи хужайралар терапияси клиникаси хитойлик беморлар билан фаол иш олиб бормоқда. Янги миқозларни топиш учун институт ҳар йили Хитой кўргазмаларида иштирок этиб, маҳаллий бозорни Украинадаги тиббий туризм имкониятлари билан таништиради.

Бу йил АКТ танлови “CIFTIS — 2020”га тўғри келди, чунки ярмарка гибрид шаклда — жисмоний ва виртуал ўтказилди. Хужайра терапияси клиникасининг етакчи шифокори Мария Газда таъкидлаганидек, “афсуски, 2020 йил бизнинг офлайн кўргазмалардаги иштирокчимизга чеклов қўйди ва Хитой халқаро хизматлар савдо ярмаркаси онлайн тарзда қатнашиш имкониятини тақдим этди. Бу бизнинг CIFTIS билан ҳамкорликдаги ва онлайн шаклдаги илк тажрибамиз”.

Унинг сўзларига кўра, ярмаркага таъриф буюрувчилар билан барча алоқа махсус 3D-стенд ёрдамида амалга оширилди, у клиниканинг асосий хизматларини таништирди ва ўзларини қизиқтирган саволларни бериш имкониятини яратди.

М. Газданинг қўшимча қилишича, янги шакл аллақачон ўз самарасини кўрсатди.

— Бизга кўргазма миқозлари, салоҳиятли беморлардан қўллаб-мувожаатлар тушди. Улар доволаниш учун Украинага бориш имконияти ҳақида саволлар берди. Пандемия ва чегаралар ёпиқлигига қарамай тиббий туризм ҳамон амалда, — деб таъкидлади у.

Иш жойини тарк этмаган ҳолда алоқа

“CIFTIS — 2020”да онлайн иштирок коронавирус пандемияси шароитида ҳамкорлиқнинг самарали шакли ҳисобланади”.

“Политехник” Беларус миллий

техника университети Илмий-техника парки қошидаги Беларуснинг ХХР билан илмий-техникавий ҳамкорлик маркази раҳбари Алексей Алдошин шундай ҳисоблайди.

Унинг сўзларига кўра, ушбу ярмарка Беларус томони учун ҳамкорликни чуқурлаштириш, янги шериклар излаш, ўз хизматларини тақдир қилиш ва имкониятларини намойиш этиш учун шароит туғдирди.

Тўғри, COVID-19 пандемияси мамлакатлар ўртасида алоқа ўрнатиш учун Украинага бориш имконияти ҳақида саволлар берди. Пандемия ва чегаралар ёпиқлигига қарамай тиббий туризм ҳамон амалда, — деб таъкидлади у.

— Бу жуда қулай ва етарлича самарали восита, — деб таъкидлади белоруслик мутахассис. — Келажақда икки томонлама ҳамкорлиқнинг чегаралари, мавзулари ҳамда йўналишларини кенгайтиришга, бунда қўшма инновацион маҳсулотлар жорий этилишига умид билдириш мумкин.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиш



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улугмуродов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.35 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6